

Амударёдан хушхабар

Амударё туманидан хушхабар: Тумандаги Тош-ёп овули ҳудудидаги “Озод Мусобек” фермер хўжалиги далаларидаги ғўзалар очила бошлади.

Image not found or type unknown



- Амударё тумани ирригация бўлими бошлиғи Х.Қаландаров ва унинг жаоаси берган кўрсатмаларига мувофиқ, имкон қадар бор сувдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик, - дейди “Озод Мусобек” фермер хўжалиги раҳбари Фулом Қурбонбаев. - Миробларнинг сув етказишдаги белгиланган графиклари асосида каналларга навбатлаб сув берилди ва ғўза майдонларини асосан шарбат усулида суғордик. Шукурки, бу тадбирлар ўз самарасини бериб, айни кунларда ғўзаларда дастлабки пахта ҳосиллари очила бошлади. 18 апрелга қадар 65 гк ер майдонга чигит экишни тугатган эдик. Ҳозирда ғўзаларимизда ўртача 32-36 донагача кўсақлар мавжуд. Август - ҳосилга ҳосил қўшиш ойидир. Биз, бор имкониятимизни ишга солиб бундан фойдаланамиз ва насиб қилса, 40-42 центнердан ҳосил оламиз, - дейди фермер.

Image not found or type unknown



Деҳқон учун осон кечган йиллар кам. Бу йилги сув тақчиллиги ҳам уларга анча қийинчиликлар туғдиргани рост гап. Унинг устига бутун дунёга хавф солиб турган пандемия шароитида деҳқон фермерлар, ирригатор ва механизаторлар ўз ишларини тўлақонли бажаришлари ҳам осон бўлмаяпти. Аммо, улар бирдамлик ва ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, бу синовларни енгиб ўтмоқда.

Амударё тумани нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда энг оғир карвонли, яъни энг кўп пахта ҳосилини дастлапкилар қаторида териб топширадиган илғор туманлардан саналади. Ҳозирги кунда туман миришкорлари ғўза майдонларига сўнги сувни беришни бошлаган. Ишонамизки, сувчиларнинг бу тадбирлари жорий йилда ҳам туманнинг “оқ олтин” хирмонини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ғ.ОТАЖОНОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги

вазирлиги матбуот котиби